

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ**

20 22 йил " " _____

161 -сон

Фарғона туман

Низом асосида фаолият юритувчи Фарғона туман электр таъминоти корхонаси раҳбари Хомиджонов Шавкатжон Собиржонович (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамла Усмов асосида фаолият юритувчи Фарғона туман 1-сон КЭМ раҳбари Д. Аббасов (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарнинг Ф.И.О.)

хисоб рақами

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

_____ ккинчи томондан мазкур шартномаги

қуйидагилар тўғрисида тузилди:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 13332 кВт.с. реактив 450 кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 5999400 сўмни, тариф бўйича _____ ташкил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (кераклиги ёзилган)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустаъмо) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: